



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz



САРҲИСОБ

ОИЛА БАХТИ – МИЛЛАТ БАХТИ



Май ойида юртимиз бўйлаб ўтказилган "Оиламиз – келажгимиз" ойлиги фаровон, ахил, бахтли оилалар тажрибасини омалаштиришга хизмат қилди. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажлиси баёни асосида эълон қилинган мазкур ойлик соҳадаги тизимли ёндашувнинг яна бир муҳим ҳалқаси сифатида намоён бўлди.

Ҳар бир халқнинг ўз пойдевори, тараққиёт пиллапоялари бор. Кимдир уни иқтисодий ўсиш, кимлардир илм-фан ютуқлари, яна баъзилар ҳарбий қувват билан белгилайди. Ҳолбуки, тараққиётнинг манбаи битта: мўъжаз хонадон, мустаҳкам оиладир. Бу қадим ва файзли масканининг ўз оҳанрабои бор, инсон қаерда бўлмасин, аини шу оҳанрабо ўзига

тортиб туради. Ҳаловат ҳам, таскин ҳам, қувонч ва меҳр ҳам ана шу масканда адоқсиз. Оила ҳар қандай жамиятнинг кўзгуси, инъикоси. Оила қанчалик фаровон бўлса, улкан мамлакат ҳам шу кичик андозага таянади.

▶ (Давоми 3-бетда)

ПАРЛАМЕНТДА

МУҲИМ, АММО АЙРИМ ЭЪТИРОЗЛАР БОР

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МАСЪУЛ ҚҮМИТАГА ҚАЙТАРИЛДИ...



Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар жамият ҳаётига дахлдор бир қатор муҳим қонун лойиҳаларини кўриб чиқишди.

▶ (Давоми 2-бетда)

ПАРТИЯ ТАШАББУСИ

Боғча хавфсизлиги шунчаки талаб эмас,

балки ҳар бир боланинг ҳаёти ва келажаги учун масъулиятдир



Хабарингиз бор, газетамизнинг аввалги сонларида Халқ демократик партиясининг парламентдаги фракцияси ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари мактабгача таълим ташкилотларида болалар хавфсизлиги масаласини депутатлик ва жамоатчилик назорати тартибида республика миқёсида ўрганаётгани ҳақида хабар берган эдик.

▶ (Давоми 4-бетда)

ЎҚИТУВЧИ, ЎҚУВЧИ ВА ОТА-ОНА

УЧБУРЧАГИНИНГ БИРИ ЗАИФЛАШСА, ТАРБИЯ СУСАЯДИ



Бугунги кунда таълим фақат билим бериш билан чекланиб қолмай, балки баркамол шахсни тарбиялаш вазифасини ҳам ўз зиммасига олмақда. Жамият тараққиёти, аввало, баркамол авлод тарбиясига боғлиқ бўлар экан, уни шакллантиришда оила ва мактабнинг ўзаро ҳамкорлиги муҳим эканлигини даврнинг ўзи исботлаб турибди. Айниқса, ота-она ва ўқитувчи ўртасидаги ҳамжиҳатлик боланинг таълим-тарбияси жараёнида ҳал қилувчи кучга айланади. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги самимий муносабат эса боланинг ўқишга бўлган қизиқишини ошириш, қобилиятини аниқлаш ва ривожлантиришга, унда интизом ва масъулиятини шакллантиришга хизмат қилиши табиий.


Айтиш жоизки, бугунги кунда, энг аввало, жамиятда устозларга бўлган ҳурмат ва эътиборни мустаҳкамлашга қаратилган ўзгаришлар халқимиз, кенг жамоатчилик томонидан юксак эътироф этилаётган бўлса, иккинчи томондан ўқувчи-ёшларнинг мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги олимпиадалардаги юқори кўрсаткичлари, хорижий тилларни, янги касбларни ўрганиш ва инновацияларга интилишлари, эришаётган ютуқлари ислохотлар натижаси сифатида намоён бўлмоқда.

▶ (Давоми 7-бетда)

Диққат! Янги рукн:

МЕН ЎҚИЁТГАН КИТОБ

УМИД ШАМИ ПОРЛАЙВЕРСИН



6



8

АНЖУМАН

"АГРОБАНК" РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛИБ ЭСКРОУ ХИЗМАТИ МОБИЛЬ ПЛАТФОРМАСИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙДИ

ПАРЛАМЕНТДА

МУҲИМ, АММО АЙРИМ ЭЪТИРОЗЛАР БОР

ҚОНУН ЛОЙИХАСИ МАСЪУЛ ҚЎМИТАГА ҚАЙТАРИЛДИ...

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Қонун лойиҳалари юзасидан қизгин ва мазмунли муҳокамалар бўлиб ўтди. Уларнинг айримлари депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди. Айримлари бўйича эса депутатлар томонидан эътироз ва таклифлар билдирилди. Бир қатор моддаларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш зарурати қайд этилиб, улар масъул қўмига қайта ишлаш учун қайтарилди.

МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ УЧУН ЯНАДА ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ МУҲИТ ЯРАТИЛАДИ

Дастлаб "Тошкент халқаро молия маркази тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кенг муҳокамадан ўтказилди.

Мазкур ҳужжат мамлакатда рақобатбардош капитал бозорини ривожлантириш, инвестиция оқимини кенгайтириш, Ўзбекистонни минтақавий молиявий хаб сифатида шакллантиришга қаратилган.

Жумладан, марказ ҳудудда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, мазкур Конституциявий қонунга ва молия марказининг қарорларига зид бўлмаган ҳолда Англия ва Уэльс ҳуқуқининг принциплари, қонунчилиги ва суд прецедентлари амал қилишига оид қоидалар ўз аксини топган.

Мажлисида дунёнинг етакчи молия марказлари — Дубай халқаро молия маркази (DIFC), Остона халқаро молия маркази (AIFC) ва Сингапур тажрибаси атрофида ўрганилгани таъкидланиб, қонун лойиҳаси билан Тошкент халқаро молия марказининг институционал тузилмаси белгиланаётгани қайд этилди.

Шунингдек, марказ маъмурияти, Тошкент молиявий хизматлар бошқармаси ва Тошкент халқаро тижорат судининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланмоқда. Бундан ташқари, Тошкент молиявий хизматлар бошқармаси лицензиялаш, назорат қилиш ва таъсир чораларини қўллаш ваколатига эга бўлади. Тошкент халқаро тижорат суди эса марказ иштирокчилари ўртасидаги низоларни мустақил равишда кўриб чиқади.

Лойиҳада марказ иштирокчилари ва уларнинг ходимларига хорижий валюталарда ҳисоб-китоб қилиш, чет эллик мутахасссларни ишга қабул қилиш, беш йилгача амал қиладиган махсус визалар олиш ҳуқуқи берилиши ҳам назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, марказ ҳудудда солиқ ва боғжона имтиёзлари жорий этилиши белгиланган.

Анвархон ТЕМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Ушбу қонун лойиҳаси билан Конституция ва қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, Конституциянинг 15-моддасига киритилаётган қўшимчага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудда ягона ҳуқуқий макон сақланган ҳолда, алоҳида ҳудудларда қонун асосида махсус ҳуқуқий режим ўрнатиш имконияти белгиланмоқда.

Бош қомусимизнинг 131-моддасига киритилаётган қўшимча билан эса махсус ҳуқуқий режим амал қиладиган ҳудудларда ихтисослашган судлар ташкил этилиши мумкинлиги назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, 134-моддага киритилаётган ўзгартиш билан айрим махсус ҳолатларда суд юрисдикцияси ва суд ишларини юритиш тартиби қонун билан алоҳида белгиланиши мумкинлиги мустаҳкамланмоқда.

Конституциявий қонун лойиҳасида Тошкент халқаро молия марказининг ҳуқуқий мақоми, фаолият тамойиллари, бошқарув тизими, ваколатлари ҳамда марказ ҳудудда амал қиладиган махсус ҳуқуқий режим аниқ белгиланган. Бу нормалар марказнинг мамлакат ҳуқуқий тизими ичидаги ўрнини белгилаб бериш билан бирга, унинг мустақил ва барқарор фаолият юритишини таъминлашга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, бу мамлакатни минтақавий молиявий марказга айлантиришга қаратилган стратегик қадам бўлиб, унинг самараси амалдаги ислохотлар сифати ва ишончли ҳуқуқий муҳит яратилишига боғлиқ бўлади.

Мажлисида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида кенг муҳокамалардан ўтказилгани, хусусан, давра суҳбатлари, семинарлар ташкил



этилгани, депутатлар, экспертлар, конституциявий ҳуқуқ соҳаси олимлари таклифлари асосида бир қатор таҳририй ва юридик тузатишлар киритилгани, айрим нормалар такомиллаштирилгани алоҳида қайд этилди.

Депутатларнинг таъкидлашича, мазкур Конституциявий қонун лойиҳаси мамлакатимизда очик ва замонавий иқтисодий муҳитни шакллантириш, инвестициявий фаолликни ошириш ҳамда халқаро иқтисодий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ХАЛҚАРО МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Бугунги кунда рақамли технологиялар жамят ҳаётининг барча жабҳаларига чуқур кириб бормоқда. Иқтисодиёт, таълим, хизматлар соҳаси — барчасида рақамли ечимлар самарадорликни ошириб, янги имкониятлар яратмоқда.

““

ДЕПУТАТЛАРНИНГ ТАЪКИДЛАШИЧА, МАЗКУР КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ МАМЛАКАТИМИЗДА ОЧИҚ ВА ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЙ МУҲИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ ҲАМДА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШДА МУҲИМ ҲУҚУҚИЙ АСОС БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Шу боис бу йўналишни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, замон талабларига мос тизим яратиш долзарб аҳамият касб этади.

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — "Рақамли технологиялар халқаро маркази тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўлди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан марказ ҳудудда махсус ҳуқуқий режимни яратиш, хусусан, рўйхатга олиш, лицензиялаш ва тадбиркорлик тартиб-таомилларини соддалаштириш, тижорат операцияларини тартибга солишда халқаро стандартларни қўллаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, мослашувчан солиқ ва

боғжона режимини жорий этиш, жумладан, 2100 йилгача бўлган муддатга айрим фаолият турлари бўйича солиқлардан озод қилиш, асбоб-ускуналар, технологиялар ва материалларни олиб киришнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш таклиф этиляпти.

Конституциявий қонун лойиҳасига кўра, Рақамли технологиялар халқаро маркази фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосланган махсус қонунчилик билан бирга Англия ва Уэльс умумий ҳуқуқининг элементларига ҳамда етакчи халқаро молия марказларининг стандартларига асосланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Қонун лойиҳасида марказ иштирокчиларини қўллаб-қувватлаш механизмларини, жумладан, рўйхатга олиш ва бошқариш учун ягона дарча ташкил этиш, интеллектуал мулк ва инвестицияларни ҳимоя қилиш кафолатларини жорий этиш, давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик йўналишларини белгилаш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида бир қатор аниқлаштирувчи ўзгартишлар киритилди. Унга кўра, Рақамли технологиялар халқаро маркази ҳудудда ахборот хавфсизлигини янада кучайтириш мақсадида булутли технологиялардан фойдаланишда маълумотларнинг хавфсизлиги, яхлитлиги, муҳофазаси, ишончилиги, шунингдек, маълумотларни қайта ишлаш ҳамда улардан фойдаланиш имконияти таъминланиши зарурияти назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, марказнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва инвестиция киритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатлари, шу жумладан, инвестицияларни ҳимоя қилиш кафолатлари такомиллаштирилмоқда.

Мажлисида қайд этилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши марказ иштирокчилари сонининг кўпайиши ҳисобига IT соҳасининг янги ички маҳсулотдаги улушини оширишга, рақамли секторга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажминини кўпайтиришга, IT хизматлари экспорти ҳажмининг ошиши ҳамда Ўзбекистонни рақамли технологиялар соҳасида минтақавий етакчи сифатидаги мавқеини оширишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

ҚОНУН ЛОЙИХАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ БОР

Давлат фуқаролик хизматчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида нуфузли хорижий олий таълим муассасасидан магистратура ёки докторантура босқичи бўйича тўлиқ грант ютиб олган хизматчиларга, иш берувчининг ёзма розилиги асосида уларнинг эгаллаб турган лавозими сақлаб қолиниши таклиф этилмоқда. Бунда иш берувчи розилик бериши учун таълим йўналиши тегишли давлат органи фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиши талаб этилади.

Қонунчилик палатаси мажлисида

““

ҚОНУН ЛОЙИХАСИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ НУФУЗЛИ ХОРИЖИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИГА МАГИСТРАТУРА ЁКИ ДОКТОРАНТУРАДА ЎҚИШ БЎЙИЧА ТЎЛИҚ ГРАНТ ЮТГАН ТАҚДИРДА, ИШ БЕРУВЧИНИНГ ЁЗМА РОЗИЛИГИ АСОСИДА УНИНГ ИШ ЎРНИ (ЛАВОЗИМИ) САҚЛАНИШИ ТАКЛИФ ЭТИЛМОҚДА.

муҳокама қилинган мазкур қонун лойиҳасида давлат фуқаролик хизматчиларининг хорижий нуфузли олий таълим муассасаларида тахсил олиши учун қўшимча кафолатлар яратиш билан боғлиқ ушбу масала ҳам назарда тутилмоқда.

Иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилган ушбу ҳужжат давлат фуқаролик хизматчиларини янада қўллаб-қувватлаш, уларга кенг имкониятлар яратиш, давлат органлари ва ташкилотларда профессионал ва салоҳиятли кадрлар қатламини шакллантиришни назарда тутди.

Қонун лойиҳаси билан давлат хизматчиси нуфузли хорижий таълим муассасасига магистратура ёки докторантурада ўқиш бўйича тўлиқ грант ютган тақдирда, иш берувчининг ёзма розилиги асосида унинг иш ўрни (лавозими) сақланиши таклиф этилмоқда.

Шунингдек, иш берувчи томонидан розилик беришда ўқув дастурининг йўналиши ушбу давлат органи фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлишини инобатга олиш назарда тутилмоқда.

Лойиҳада ўқув дастури яқунлангандан сўнг давлат фуқаролик хизматчиси зиммасига тегишли давлат органи тизимидан хорижда тахсил олиш даврига тенг муддатга ишлаб бериш мажбурияти ҳам юкланмоқда.

Шу билан бирга, давлат фуқаролик хизматчисининг хорижда ўқиш даври унинг меҳнат стажига қўшиб ҳисобланиши, кўп йиллик хизмати учун ҳар ойлик устама белгилашда инобатга олиниши акс этмоқда.

Мажлисида депутатлар томонидан лойиҳа юзасидан айрим эътирозлар билдирилди. Ундаги айрим моддаларни қайта ишлаш ва маромига етказиш бўйича таклифлар илгари сурилди. Қонун лойиҳаси масъул қўмига томонидан такомиллаштириладиган бўлди.

Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



Зулхайо МАХКАМОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири ўринбосари –
Оила ва хотин-қизлар
қўмитаси раиси.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Халқимизда “Оила тинч — юрт тинч” деган ҳикматли мақол бор. Минг йиллик ҳаётий тажрибадан сараланган донолик ҳазинаси ўлароқ, ҳар бир мамлакатнинг тинчлиги, барқарорлиги ва тараққиёти, аввало, унинг кичик бўғини — оилага чамбарчас боғлиқ. Оилаларда тотувлик ҳукм сурса, маҳалла обод, мамлакат қудратли бўлади. Шу боис Янги Ўзбекистонда оила институтини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантирилган стратегик вазирадир. Тарихдан маълумки, оилалари мустаҳкам халқ буюк, ҳамisha бахтиёр.

Айни шу ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиқиб, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида оила, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш бирламчи вазифалар сирасига киритилди. Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармон ва қарорлари, оила институтини мустаҳкамлашга оид давлат дастурлари ҳамда халқчил “йўл хариталари” ушбу йўналишдаги тизимли ислохотларнинг ҳуқуқий пойдеворини ташкил этмоқда.

Май ойида юртимиз бўйлаб ўтказилган “Оиламиз – келажакимиз” ойлиги фаровон, аҳил, бахтли оилалар тажрибасини оммалаштиришга хизмат қилди. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажлис баёни асосида эълон қилинган мазкур ойлик соҳадаги тизимли ёндашувнинг яна бир муҳим ҳалқаси сифатида намоён бўлди.

Унда белгиланган тadbирлар Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида комплекс тарзда татбиқ этилиб, ҳар бир хонадонга файз, ҳар бир оилага барқарорлик, ҳар бир инсонга муносиб ҳаёт улашиш – ягона стратегик мақсадга йўналтирилди.

Юртимиздаги 10 миллиондан зиёд оила – бу 10 миллиондан зиёд тарбия маскани, келажак эгалари вояга етаётган улкан

САРҲИСОБ

ОИЛА БАХТИ – МИЛЛАТ БАХТИ



мактаб демакдир. Худудларда ўтказилган “Янги Ўзбекистоннинг ибратли оиласи” кўрик-танлови иштирокчилари сони йил сайин ортиб бораётгани аҳоли ўртасида ибратли оила бўлиш ҳар бир хонадоннинг орзуси ва мақсадига айланганини яққол кўрсатди. Танловда қатнашган оилалар китобхонлик, хунармандчилик, тadbиркорлик, тиббий маданият, томорқачилик ҳамда фарзанд тарбиясида намуна кўрсатганлари учун эътирофга сазовор бўлдилар.

Мазкур ойда «Ибратли оила» кўрак нишонларини топшириш ҳам эзгу аънамага айланб улгурди. Ўтган йили ушбу мукофотга 2 мингта файзли хонадон сазовор бўлган бўлса, жорий 2026 йилда яна 2 мингта оила бу шарафли унвонга муяссар бўлди.

“Энг намунали ёш оила” танлови эса ёш оилаларни ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш механизми бўлиб хизмат қилади. “Янги Ўзбекистоннинг ибратли ҳарбий оилалари” кўрик-танлови орқали Ватан ҳимоячилари оилаларидаги садокат, сабр-матонат ва бирдамлик намуналари кенг жамоатчиликка етказилмоқда.

Ҳар қандай саъй-ҳаракатнинг илмий пойдевори бўлиши зарур. Шу маънода ойлик доирасида Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда “Янги Ўзбекистонда фаровон оила модели: миллий тажриба, илмий таҳлил ва инновацион ёндашувлар” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Конференциянинг асосий мақсади Янги Ўзбекистонда оила институтининг барқарор ривожланишини таъминлаш, замонавий ҳуқуқий-институционал механизмлар, рақамли технологиялар ва сунъий интеллект имкониятлари асосида фаровон оила моделининг илмий-назарий ҳамда амалий асосларини такомиллаштиришга қаратилди.

Анжуман глобал трансформация жараёнларида миллий оилавий кадрларни сақлаш ва мустаҳкамлаш, демографик барқарорлиқни таъминлаш, репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш ҳамда гендер тенглиги ва оила-иш мувозанатини қўллаб-қувватлашга қаратилган инновацион ёндашувларни илмий мулоқот майдонида бирлаштириш, илм-фан, давлат бошқаруви ва халқаро тажрибалар интеграцияси орқали инсон капитали ривожига оиланинг стратегик аҳамиятини очиб бериш, шунингдек, замонавий жамиятда фаровон оила моделини шакллантиришга хизмат қилувчи илмий ечимлар ва амалий таклифларни ишлаб чиқишга йўналтирилган билан жамоатчиликка етказилмоқда.

Оила сиёсатида оид ташаббусларнинг пойдеворини мустаҳкамлаш ва оила институтини қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг узоқ муддатли йўналишларини белгилаш мақсадида “2026–2036 йилларда Ўзбекистонда оила фаровонлиги” концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур

концепция оила институтини қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг келгуси ўн йиллик стратегик йўналишларини белгилаб берувчи муҳим ҳужжатдир. Унда оила жамиятнинг бирламчи бўғини, қадриятлар, ижтимоий нормалар ва инсон капиталини шакллантирувчи асосий институт сифатида эътироф этилади.

Концепцияга кўра, 2036 йилга бориб никоҳга кириш маданиятини юксалтириш, ажримлар кўрсаткичини барқарор пасайтириш, оилавий бирдамликни мустаҳкамлаш, ҳар қандай зўравонликнинг тизимли равишда олдини олиш мақсад қилинган. Шунингдек, болаларнинг хавфсиз ва ривожлантирувчи муҳитда камол топиши, оилаларнинг барқарор даромад манбаларига эга бўлиши, тиббий ва психологик ёрдам хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш назарда тутилмоқда.

Лойиҳада замонавий хатарлар — меҳнат миграцияси, рақамли муҳитдаги хавфлар, рақамли зўравонлик, танишув платформалари билан боғлиқ муаммоларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада трансгегаравий ҳуқуқий ва психологик кўмак кўрсатувчи “Ишонч телефони”, онлайн-консультация, масофавий медиага хизматлари ҳамда “Оилага дўстона иш берувчи” стандартини босқичма-босқич жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Энг муҳими, концепция оилани фақат иқтисодий ёки ижтимоий бирлик сифатида эмас, балки халқимизнинг маънавий-ахлоқий, маданий ва тарихий қадриятларини асраб-авайловчи муқаддас даргоҳ сифатида кўради. “Фаровон оила” модели эса муаммолардан холи идеал тузилмани эмас, балки қийинчиликларни енгиб ўтишга қодир, ички ресурслари ва тизимли қўллаб-қувватловга эга барқарор оилани англатади.

Шу маънода, мазкур концепция миллий қадриятлар, БМТ конвенциялари, Барқарор ривожланиш мақсадлари ва халқаро меҳнат стандартлари билан уйғун ҳолда амалга ошириладиган, Ўзбекистоннинг

оила сиёсатида янги босқични бошлаб берувчи муҳим стратегик ҳужжатдир.

Эзгу ташаббуслардан яна бири – “Саодатли оилалар сайли”да уч авлод вакиллари бирга яшаётган хонадонлар, кексалик зийнатини сақлаб, келин-куёвларга ўғит бераётган нурунийлар, ёш оилалар ҳамда маҳалла фаоллари бир дастурхон атрофида тўпланиб, оилавий тотувлик, сабр-қаноат, келин-қайнона муносабатлари каби мавзуларда самимий мулоқот қуришади.

Тарбиявий тadbирлар тармоғи кенг. “Оила – муқаддас кўрғон”, “Оилавий аъналар – маънавий мерос”, “Ота ва она – оила таянчи”, “Фарзанд тарбияси – келажак пойдевори” каби мавзулардаги давра суҳбатлари, маънавий-маърифий учрашувлар худудларда мунтазам ўтказилмоқда. Болаларимиз “Оила – қўш устунли айвон” дея бежиз айтмаган. Ота ва она чиндан ҳам икки устун, икки таянчдир. Уларнинг бирлиги, ҳамоҳанглиги, ўзаро ҳурмати оила кўрғонини мустаҳкам тутиб турувчи асосий куч.

Маънавий камолот китобдан, мутолаадан бошланади. “Китобхон оналар кўни” лойиҳасида ташкил этилаётган адабий учрашувлар, оилавий мутолаа кечалари инсон қалбини бойитади, тафаккурини кенгайтиради. Оилада китобхонлик муҳитининг ҳукм суриши учун хизмат қилади.

Қайд этиш керак, “Аёллар спорт олимпиадаси”, оилавий югуришлар, шахмат, шашка, стол теннис ва бошқа мусобақалар юзлаб, минглаб хотин-қизларни бирлаштирди. Хотин-қизларни жисмоний фаолликка жалб қилиш соғлом турмуш тарзини тарғиб этишнинг бирламчи омили сифатида қаралмоқда. Ахир соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади.

Бугунги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳар бир ислохотнинг марказида инсон ва унинг қадри турибди. Инсон оилада туғилади, оилада улғаяди, оилада шахс бўлиб камол топади. Демак, оила бахти — миллат бахти. Бу бахтни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга безавол етказиш энг катта масъулиятдир.

ДАВРА СУҲБАТИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадлари сўл қанот мафқурасига таянади. Шу сабабдан партия аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, жамиятда ижтимоий тенглик ҳукмрон бўлишига жиддий эътибор қаратади.

Партиямиз ижтимоий хизматларнинг ўз вақтида ва манзилли кўрсатилиши бўйича ўрганишлар ўтказиб, эришилаётган натижалар, юзага келаятган масалаларни соҳа масъуллари ва экспертлар иштирокида таҳлил қилиб бормоқда.

Нукус шаҳрида бўлиб ўтган “Ижтимоий реестр амалиёти: муаммоларга ечимлар ва янги ёндашувлар” мавзусидаги давра суҳбати бунга яққол мисол.

Унда таъкидландики, 2026 йил январь-май ойларида Қорақалпоғистон Республикаси бўйича кам даромадли оилаларни камбағалликдан чиқариш режасига мувофиқ, 6 минг 627 та оила қамраб олиниши белгиланган. Амалда эса белгиланган режадан анча юқори натижага эришилган. Яъни 13 минг 301 та оила қамраб олинган. Бунда жами 15 минг 358 та хизмат кўрсатилган.

Депутатлар “Ижтимоий реестр” аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, хизматларнинг ўз вақтида ва манзилли бўлишида асосий омил вазифасини бажараётганини, ижтимоий тенглик тамойиллари ҳар бир оилага кириб бораётганини таъкидлашди.

Халилла ЕШИМБЕТОВ,
ЎзХДП Қорақалпоғистон
Республикаси Кенгаши раиси:

– Ўрганишлар давомида тизимнинг янада самарадор, манзилли ва адолатли ишлашига тўсиқ бўлаётган айрим муаммолар ҳам аниқланди. Хусусан, оилалар таркибини шакллантиришда ҳали камчиликлар мавжуд.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА

“Ижтимоий реестр” амалиёти таҳлил қилинди



Маълумки, ҳар қандай ижтимоий ёрдам ёки нафақа, аввало, оиланинг ҳақиқий таркиби ва реал ҳолатидан келиб чиққан ҳолда тайинланиши лозим. Чунки биргина маълумотдаги хатолик давлат томонидан кўрсатилаётган ёрдамнинг манзиллилигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Афсуски, айрим ҳолатларда “Ижтимоий реестр”га киритиш ёки болалар нафақаси ҳамда моддий ёрдам тайинлаш жараёнида оила таркиби тўлиқ ва аниқ шакллантирилмаётгани кузатилмоқда. Масалан, вафот этган оила аъзоларининг маълумотлари ўз вақтида чиқарилмагани ёки доимий яшаш учун чет элга кетган, мустақил оила қурган фарзандларнинг ҳамон оила таркибида қолдирилаётгани каби ҳолатлар учраб турибди.

Бу эса нафақат статистик маълумотларнинг ҳақиқийлигига, балки ижтимоий ҳимоя тизимининг адолатли ишлашига ҳам таъсир кўрсатади. Чунки

давлат томонидан ажратилаётган маблағлар ҳақиқатан эҳтиёжманд оилаларга етиб бориши учун ҳар бир маълумот аниқ ва ҳаққоний бўлиши зарур.

Бу борадаги муаммолар бартараф этилмаса, баъзи эҳтиёжманд оилалар эътибордан четда қолиши, айрим ҳолатларда эса маълумотлардаги номувофиқликлар сабабли ёрдам манзиллилигига путур етиши мумкин.

Шунинг учун оилалар таркибини шакллантиришда маълумотлар базаларининг ўзаро интеграциясини кучайтириш, маълумотларни мунтазам янгиллаб бориш ва маъсۇл ходимлар томонидан ҳар бир мурожаатни синчиклаб ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ижтимоий ҳимоя тизимининг кучлилиги нафақат ажратилаётган маблағлар ҳажмида, балки уларнинг ҳақиқий эҳтиёжманд инсонларга ўз вақтида ва манзилли етиб боришида намоён бўлади.

Бундан ташқари, субсидия ва ссуда ажратиш кўрсаткичлари пастлиги, касб-хунарга ўқитиш қамровини кенгайтиришга

зарурат борлиги аниқланган.

Давра суҳбатида бу каби муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ масалалар ҳақида ўзаро фикр алмашилди.

Партия фаоллари “Ижтимоий реестр” тизими партия электорати бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож, камбағаллик чегарасида яшаётган оилаларни қўллаб-қувватлаш, давлат томонидан қоллатланган ёрдамларнинг ҳақиқий эгасига етиб боришида муҳим эканини таъкидлашди.

Депутатлар “Ижтимоий реестр” фаолияти янада самарадор бўлиши учун жойларда доимий ўрганишлар олиб борилиши, аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этишда жамоатчилик ва депутатлик назорати кучайтирилишини маълум қилишди.

Давра суҳбати якунида партия фаоллари, депутатлар ҳамда маъсۇл идоралар вакиллари ўзаро ҳамкорликда янада самарали ишлашга келишиб олишди.



ПАРТИЯ ТАШАББУСИ

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

Хўш, назорат-таҳлил натижалари нимани кўрсатмоқда? Буни баъзи ҳудудлар мисолида эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Жумладан, халқ депутатлари Ғаллаорол туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлари томонидан Дўстлик маҳалласи ҳудудида жойлашган 24-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотига ўрганиш ишлари олиб борилганда ошхона жиҳозларининг техник ҳолати талаб даражасида эмаслиги, сув иситиш ускунасининг носозлиги тўғрисида иссиқ сув таъминоти йўқлиги, газ печларининг яхши ишламаслиги оқват тайёрлаш жараёнига салбий таъсир этиб, болаларни ўз вақтида ва сифатли оқват билан таъминлашда қийинчиликлар келиб чиқаётгани аниқланди.



Бундан ташқари, канализация тизими эскиргани ҳамда таъмирталаб ҳолатга келгани, муассаса ҳудудида болалар учун 2 та ёзги айвончага эҳтиёж мавжудлиги қайд этилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли масалалар депутатлар томонидан назоратга олинди. Ушбу ҳолатлар муассасанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ошхона жиҳозларини тўлиқ техник кўриқдан ўтказиш зарурлигини кўрсатади.

Шунингдек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатимиз Нигора Эшметова томонидан Юнусобод туманидаги 53-сонли ҳамда 255-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, санитария-гигиена талабларига риоя этилиши ҳамда хавфсизлик чораларининг ҳолати юзасидан ўрганиш ишлари олиб берилди.

Депутатнинг таъкидлашича, ўрганиш давомида муассасаларда озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, ёнғин хавфсизлиги, ҳудуд ободончилиги ҳамда тарбиявий жараёнларга оид қатор камчиликларга дуч келинди. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашда санитария талабларига тўлиқ риоя этилмаётгани маълум бўлди.

Жумладан, гўшт ва сут маҳсулотлари бир хил музлаткичда сақланаётгани маҳсулотларнинг сифати ва хавфсизлигига салбий таъсир

БОҒЧА ХАВФСИЗЛИГИ ШУНЧАКИ ТАЛАБ ЭМАС, БАЛКИ ҲАР БИР БОЛАНИНГ ҲАЁТИ ВА КЕЛАЖАГИ УЧУН МАСЪУЛИЯТДИР

бу каби камчиликларга бефарқ қарамасдан, уларни зудлик билан бартараф этиш нафақат маҳсулотларнинг вазифаси, балки келажак авлод олдидаги масъулият ҳамдир.

53-сонли ДМТТда эса озиқ-овқат блокади музлаткичлар етишмаслиги, иш жараёни нотиғри ташкил этилгани, ҳудудни кўкаламзорлаштириш ҳамда ёнғин хавфсизлиги чораларини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан муассаса маҳсулотларига тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди, масалалар депутатлик назоратига олинди.

Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи аъзолари Фарғона шаҳри ҳамда Тошлоқ ва Ўзбекистон туманларидаги давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги таълим-тарбия жараёни, болалар учун яратилган шарт-шароитлар, умумий хавфсизлик даражаси ва санитар-гигиеник ҳолатни ўрганди.

Фарғоналик депутатларнинг айтишига қараганда, баъзи муассасаларда эвакуация йўлаклари ва ёнғин хавфсизлиги талабларига тўлиқ риоя этилмаётгани ташвиш уйғотади. Шунингдек, болалар майдончаларидаги айрим қопламаларнинг сифати талаб даражасида эмаслиги болаларнинг ўйин жараёнида жароҳат олиш хавфини ошириши мумкин.

Ахир, боғча — бу болалар ўзини хавфсиз ҳис қиладиган, бемалол ўйнаб-қуладиган маскан бўлиши керак. Шу боис, ҳар бир майда камчиликка ҳам жиддий ёндашиш, хавфсизлик билан боғлиқ масалаларни кечиктирмасдан бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўрганишлар давомида муассасалар фаолиятини янада такомиллаштириш, болалар учун хавфсиз ва замонавий шароитлар яратиш, таълим-тарбия жараёни янги bosқичга олиб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳар кун ишга ёки ўқишга кетаётганда ота-оналар болаларини ишониб боғчага топширади. Шунинг учун боғча фақат таълим берадиган жой эмас, балки боланинг ҳаёти, соғлиги ва кайфияти учун масъул маскан ҳамдир.

Ота-она кун давомида "Болам тинчми, овқатландими, кимдир хафа қилмадимми?" деган ўйдан холи, хавотирсиз юриши керак. Бу ишонч эса боғчадаги тартиб, хавфсиз муҳит, меҳрибон тарбиячилар ва масъулият таъминлайди. Болалар — энг катта омонат. Уларнинг хавфсизлигига бефарқ қараш мумкин эмас.

Тошкент вилоятидаги боғчада аниқланган муаммолар ишчи гуруҳи йиғилишида кўриб чиқилди.

Айтиш керакки, партиямиз депутатлари томонидан боғчаларда болалар хавфсизлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган назорат-таҳлил натижалари давомида тўпланган маълумотлар, аниқланган муаммоли ҳолатлар мутасадди ташкилотлар ва экспертлар иштирокида муҳокама қилинмоқда. Камчиликларни тўғрилаш бўйича тезкор чоралар кўрилишига эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, ўтган ҳафтада халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ЎзХДП депутатлари гуруҳининг йиғилишида ҳам айтиш масала муҳокама марказида бўлди. Мажлисида Тошкент вилоятининг туман-шаҳар Кенгашларидаги депутатлар ҳам қатнашди.

Маълум қилинишича, бугунги кунда вилоятда жами 2422 та мактабгача таълим ташкилотлари фаолият юритмоқда. Шундан 617 таси давлат, 170 таси хусусий, 63

қайд этилмагани, шунингдек, фавкуллда вазиятларга тайёргарлик даражаси талаб даражасида эмаслиги аниқланди. Бу эса болалар хавфсизлигини таъминлашда масъулият ва назоратни янада кучайтиришни талаб қилади.

Чунки болаларнинг ҳаёти ва соғлиги билан боғлиқ ҳар қандай масалада эҳтиёткорлик ва масъулият биринчи ўринда туриши керак.

Шунингдек, Оҳангарон туманидаги 20-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотига ҳам қатор муаммолар кўзга ташланган. Жумладан, айрим боғчаларда гуруҳ хоналари ва ўйин майдончалари таъмирталаб аҳволга келиб қолгани, ёнғингарчилик вақтида хоналар тоmidан сув ўтиши натижасида девор ва шифтларда намлик излари пайдо бўлгани кўриниб турибди. Бу эса муассасада қурилиш ва техник ҳолат устидан назоратни кучайтириш ҳамда таъмирлаш ишларини ўз вақтида амалга ошириш зарурлигини кўрсатади. Чунки болалар кўп вақтини ўтказадиган муҳит, аввало, илик, хавфсиз ва шинам бўлиши керак.

Ёнғин, электр, санитария ва умумий хавфсизлик талабларига жавоб бермаганлиги сабабли ҳозирда фаолияти вақтинча тўхтатилган Ўрта Чирчиқ туманидаги 31-сонли, Тошкент туманидаги 19-, 24-, 26-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини тез орада тиклаш масалалари ҳам маъносили муҳокама қилинди.

Йиғилишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли мутасадди ташкилотларга депутатлик сўровлари чиқарилгани қайд этилди.



таси ДХШ асосидаги ва 1572 таси оилавий боғчалардир.

Акmal УМАРАЛИЕВ, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари:

– Боғчалар нафақат болалар тарбияланадиган жой, балки уларнинг характери ва келажакка бўлган илк тасавури шаклландиган муҳитдир. Шунинг учун боғча ҳар томонлама хавфсиз, соғлом ва тарбияга мос бўлиши жуда муҳим.

Ишчи гуруҳ ўрганишларида Нурафшон шаҳридаги 7- ва 26-сонли, Юқори Чирчиқ туманидаги 7-, 12-сонли, Чирчиқ шаҳридаги 17-сонли ҳамда Ангрен шаҳридаги 41-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотларида асосий меъёрий ҳужжатлар мунтазам юритилмагани, хавфсизлик бўйича йўриқномалар ўтказилгани расмий тарзда

Тизимли муаммо ва камчиликлар таҳлил қилиниб, халқ депутатлари Кенгашларидаги маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари ва сессиялари муҳокамасига олиб чиқиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Депутатлар болалар учун хавфсиз ва қўлай муҳит яратиш, бунга бевосита жавобгар идора-ташкилотлар фаолияти устидан қатъий депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш Халқ демократик партиясининг устувор вазифаси эканини таъкидлади.

Халқ демократик партияси фаолларининг мактабгача таълим ташкилотларида болалар хавфсизлигини таъминлаш бўйича депутатлик ва жамоатчилик назорати изчил давом этмоқда. Натижалар ҳақида кейинги сонларимизда яна ахборот бериб борамиз.

Лазиза ШЕРОВА, "Ўзбекистон овози" муҳбири.



Депутат назорати халқ назорати



Халқ депутатлари Кенгашларининг ваколатлари кенгайтирилиши маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик-идоралар ҳудудий бўлинмаларининг тегишли ҳудуд аҳолиси олдидан ҳисобдорлиги, масъулиятини кучайтиргани аини ҳақиқат. Бу қонунлар, Президент қарор ва фармонларининг жойлардаги ижроси янада самарали бўлишида, одамларнинг ислохотларни тушуниши ва уларни тўлиқ рўёбга чиқаришда фаол иштирок этишида муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Шундан келиб чиқиб, бугун ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ барча энг муҳим масалалар ҳудудий Кенгашларда фаол муҳокама қилинмоқда. Депутатлар қарорлар қабул қилинишида бевосита иштирок этмоқда, ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолат, муаммолар назорат-таҳлил тартибиде доимий ўрганиб борилапти.

Депутатлик назорати деганда кўпчилик расмий текширувни тушунади. Аслида эса бу — халқ ишониб сайлаган депутатнинг халқ манфаатини ҳимоя қилиши, муаммоларни кўтариши ва давлат идораларидан натижа талаб қилиши демакдир.

Шу маънода депутатлик назорати — бу оддий одамларнинг дарди ва талабини давлат идораларига етказиш, уларнинг фаолиятини кузатиш ҳамда берилган ваъдаларнинг бажарилишини таъминлаш воситасидир. Агар назорат кучли бўлса, мансабдорлар ўз вазифасига масъулият билан ёндашади, аҳоли муаммолари эса тезроқ ҳал этилади.

Қисқача айтганда, депутатлик назорати — халқнинг кўзи, қулоғи ва овози бўлиб, давлат идоралари халқ олдида масъул бўлишини таъминлайдиган муҳим механизмдир. Бу нафақат қонун талаблари бажарилишини, балки инсонларнинг кундалик ҳаёти яхшиланишини ҳам таъминлашга хизмат қилади.

Партиямиз депутатлари ҳам бу институт имкониятларидан кенг фойдаланиб келмоқда. Улар ҳудудлардаги муаммоларни ўрганиб, масъул идоралар фаолиятини назорат қилиш орқали аҳолининг оғрини енгиллатиш ва турмуш сифатини яхшилашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

ДЕПУТАТ "МЕРГАНОВУЛ"ДА БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСКАРТИРИШ ДАСТУРЛАРИ ИЖРОСИНИ ЎРГАНДИ

Халқ депутатлари Урганч туман Кенгашидаги депутатимиз Қ. Юлдашев томонидан "Мергановул" маҳалласида аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати ўрганилди.

Ўрганишлар давомида маҳаллада аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, доимий даромад манбаларини шакллантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида муайян ижобий натижаларга эришилаётгани маълум бўлди. Хусусан, йил бошида ишсиз сифатида рўйхатга олинган 22 нафар фуқаронинг бугунги кунга келиб 13 нафари доимий иш ўринларига жойлаштирилган. Қолган 9 нафар фуқарога эса имтиёзли кредитлар ажратилиб, мустақил тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун амалий кўмак кўрсатилган.

Бу рақамлар ортида инсон тақдирини, оила фаровонлиги ва эртанги кунга бўлган жами 370 мужассам. Чунки ҳар бир яратилган иш ўрни ёки қўллаб-қувватланган бизнес ташаббуси нафақат бир фуқаронинг, балки бутун бир оиланинг ижтимоий аҳволи яхшиланишига хизмат қилади.

Шунингдек, жорий йил давомида маҳалладаги 11 нафар ташаббускор фуқарога жами 370 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағлари ажратилгани аниқланди. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур маблағлар аҳолининг реал эҳтиёжлари ва бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда йўналтирилган. Хусусан, хизмат кўрсатиш, қандолатчилик, тикувчилик ва мебелсозлик каби

соҳаларда янги фаолият турлари йўлга қўйилган. Шунингдек, айрим фуқароларга мотоцикл ва мотокультиваторлар харид қилиш учун маблағ ажратилиб, уларнинг меҳнат самарадорлигини ошириш ва қўшимча даромад манбаини шакллантиришга шароит яратилган.

Таъкидлаш жоизки, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар фақат рақамлар билан эмас, балки инсонлар ҳаётида юз бераётган ижобий ўзгаришлар билан баҳоланади. Бу каби амалий ишлар маҳаллада тадбиркорлик муҳитини янада ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Депутатлик назорати жараёнида мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада ошириш, имтиёзли кредит маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш ҳамда аҳолининг даромад манбаларини кенгайтириш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар билдирилди.

БЎСТОНЛИҚДА 9,6 КМ ЙЎЛ ТЎЛИҚ ТАЪМИРЛАНДИ

Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳар бир депутат фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Зеро, аҳолини қийнаётган муаммоларга ечим топиш, уларнинг ҳаёт сифати ва яшаш шароитини яхшилаш халқ вакилларининг энг муҳим вазифаларидан саналади.

Партиямиз Бўстонлик тумани Кенгашидаги депутатлари О. Бобоев, Ж. Садилов ва Й. Холмуродовга Собир Раҳимов, "Наврўз" ҳамда "Марказий" маҳаллалари фуқароларидан ички йўлларнинг таъмирталаб ахволга келиб қолгани юзасидан мурожаатлар келиб тушган эди.

Ўрганишлар давомида аҳоли томонидан билдирилган эътирозлар асосли экани, ички йўлларда ҳаракатланиш қийинлашгани, айниқса, ёмғирли мавсумларда бу ҳолат аҳоли учун қатор ноқулайликларни келтириб чиқараётгани аниқланди. Шу асосда йўллар таъмирга муҳтож экани бўйича хулоса шакллантирилди.

Масала халқ вакиллари ташаббуси билан халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси кун тартибига киритилиб, атрофлича муҳокама қилинди. Шунингдек, мутасадди ташкилотлар билан амалий мулоқотлар ўтказилиб, муаммони ҳал этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Олимжон БАБАЕВ, халқ депутатлари Бўстонлик туман Кенгашидаги ЎзХДП депутати:

– Сессияларда, доимий комиссияларда масалалар

муҳокама этилгани яхши, албатта. Биринчидан, улар чуқур ўрганилади, таҳлил этилади. Қолаверса, йўл қўйилган камчиликларга мутасаддиларнинг эътибори қаратилади. Аммо бу биринчи босқичдаги жараёнлар. Муҳими, сессия қарорлари ижроси назорати қандай бўлади, белгиланган чора-тадбирлар тўлиқ амалга ошириладими? Камчиликлар таҳлил этилган ҳолда қозғоларда қолиб кетавериши керак эмас. Уларни бартараф этиш чоралари кўрилиши, натижа бўлиши керак. Хўш, биз натижаларни қандай аниқлаймиз? Жойларда ўтказиладиган партия фаоллари, депутатлар иштирокидаги учрашувлар, мулоқотлар жараёнида аҳолининг фикрлари, мурожаатлари ўрганилади. Қўрилган масалалар бўйича қайта ўрганиш олиб борилади, ижроси жадаллаштирилади.

Бир сўз билан айтганда, сессия қарорлари ижроси ҳаётда, жамиятда қандайдир ўзгариш бўлишига, одамлар оғирини енгиллаштиришга хизмат қилиши керак. Депутатларнинг қатъий позицияси ва изчил саъй-ҳаракатлари натижасида мазкур маҳаллалардаги ички йўлларнинг 9,6 километр қисми текисланиб, янги асфальт қопламаси ётқизилди. Бу эса нафақат транспорт ҳаракати учун қулайлик яратди, балки аҳолининг кундалик турмушидаги қатор муаммоларнинг бартараф этилишига хизмат қилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, халқ вакиллари фақат муаммони кўтариш билан чекланиб қолмади. Таъмирлаш ишларининг ҳар бир босқичи депутатлик назорати остида олиб борилди. Хусусан, бажарилган ишлар ҳажми, қурилиш материалларининг сифати ва таъмирлаш жараёнининг белгиланган режа ҳамда талабларга мувофиқлиги мунтазам ўрганиб борилди.

Мазкур амалий ишлар депутатлик назоратининг самарали механизми сифатида аҳоли мурожаатлари асосида муҳим инфратузилма муаммоларини ҳал этиш мумкинлигини яна бир бор намоён этди. Зеро, обод ва равон йўллар — нафақат қулай ҳаракат воситаси, балки ҳудуд тараққиёти, аҳоли фаровонлиги ва турмуш сифати ошишининг муҳим омилларидан биридир.

Шу билан бирга, масъул ташкилотларга йўлларнинг сифатли сақланишини таъминлаш, мавжуд инфратузилмани мунтазам назорат қилиш ҳамда келгусида бу каби лойиҳалар кўламини кенгайтириш юзасидан тегишли

таклиф ва тавсиялар берилди.

410 ТА ХОНАДОН ОҚОВА СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

Фуқароларнинг ҳаёт сифатига бевосита таъсир кўрсатувчи масалаларни ҳал этиш депутатлик фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Айниқса, аҳолини ичимлик ва оқова сув билан таъминлаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш каби масалалар ҳудудларнинг ижтимоий ривожланиши ва аҳоли фаровонлигида муҳим аҳамият касб этади.

Халқ депутатлари Қораўзақ тумани Кенгаши депутатларининг "Янги Қораўзақ" қишлоғида сайловчилар билан ўтказган учрашувида аҳоли томонидан долзарб муаммолардан бири кўтарилди. Хусусан, ҳудуддаги сув оқиб келувчи Қолдовли ариғига қувур ўрнатиш ҳамда 2 километр узунликдаги қисми экскаватор ёрдамида қазилар зарурлиги юзасидан мурожаат билдирилди.

Мурожаатни ижобий ҳал этиш мақсадида депутатлар А. Баймуратов ва Р. Кармисова томонидан жойига чиқиб ўрганиш ишлари ташкил этилди. Тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалий чоралар кўрилди.

Натижада Қолдовли ариғига зарур қувурлар ўрнатилиб, махсус техника — экскаватор ёрдамида ариқларни қазилар ишлари бажарилди. Қисқа вақт ичида амалга оширилган мазкур ишлар ҳудуддаги коммунал инфратузилмани яхшилашга хизмат қилди.

Энг муҳими, амалга оширилган ишлар натижасида 410 та хонадон оқова сув билан таъминланиб, аҳолининг кўп йиллардан бўён ечимини кутиб келаётган муаммосига барҳам берилди.

Мазкур натижа депутатлик фаолиятининг асосий мезони — халқ дардини эшитиш, мурожаатларни ўрганиш ва уларга амалий ечим топиш эканлигини яна бир бор намоён этди. Зеро, ҳар бир ҳал этилган муаммо ортида инсон манфаати, оилалар фаровонлиги ва ҳудуд тараққиёти мужассамдир.

Умуман олганда, депутатлик назорати шунчаки назорат механизми эмас, балки инсон манфаатларини таъминлаш йўлидир. Бу пировардида ҳудудлар тараққиёти, аҳоли фаровонлиги ва ижтимоий адолатни таъминлашга хизмат қилмоқда.

**Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози"
муҳбири.**

Тошкент вилояти: ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

Юқори Чирчиқ туман ҳокимлигида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Юқори Чирчиқ туман кенгаши ҳамда туман оила ва хотин-қизлар бўлими ўртасида беш йиллик ҳамкорлик меморандумини имзолаш тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, партия фаоллари,



туман ҳокимининг ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Мақбал Айтматова, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш ва оилаларда маънавий муҳитни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мазкур меморандум доирасида келгуси йилларда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, касб-хунарга ўқитиш ва эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор лойиҳалар амалга оширилади.

**Латиф МАНСУРОВ,
Ўзбекистон ХДП Юқори Чирчиқ
туман кенгаши раиси.**

Тошкент шаҳри: "САЛОМАТЛИК АКЦИЯСИ"

**Ўзбекистон ХДП Яккасарой
туман кенгаши раиси Шаҳноза
Шарипова ташаббуси билан "Аския"
бозори кўмагида аҳолининг тиббий**



**маданиятини оширишга қаратилган
"Саломатлик акцияси" ташкил этилди.**

Акция доирасида нурунийлар, ободонлаштириш ходимлари ва фуқаролар малакали шифокорлар томонидан бепул тиббий кўриқдан ўтказилди. Иштирокчиларга қандли диабетнинг олдини олиш, ортиқча вазн билан курашиш ва тўғри овқатланиш тартиби бўйича индивидуал маслаҳатлар берилди.

Бундай хайрли тадбирлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Жиззах: ЯНГИ ТРАНСФОРМАТОР ЎРНАТИЛДИ

Ҳудудларда аҳоли саломатлигини асраш ва тиббий хизмат сифатини ошириш йўлидаги амалий ишлар давом этмоқда.

Хусусан, халқ депутатлари Бахмал тумани Кенгаши депутати А.Зикиряев ташаббуси ва ҳомийлар билан ҳамкорликда тумандаги "Барлос" маҳалласида жойлашган "Турон" оилавий шифокорлик пункти биносига янги ва замонавий трансформатор ўрнатиб берилди.

Натижада мазкур тиббий муассасасида электр энергияси узлуксизлигини таъминлашга ва аҳоли учун кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати янада яхшиланишига эришилди.



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Аммо, айни пайтда жамиятимизда энг кўп муҳокама қилинаётган, ижтимоий тармоқларда қизғин баҳсларга сабаб бўлаётган мавзулардан бири ўқувчи, ўқитувчи ва ота-она орасидаги муносабатлар эканлиги ҳам гувоҳ бўляпмиз. Улар ўртасида низола, баъзи ҳолатларда эса зўравонлик кўринишлари учраётгани ҳар биримизда жиддий ташвиш уйғотади, албатта. Бугунги мақоламизда айнан шу масалада соҳа мутахассислари ва жамоатчилик вакиллари сўхбатга тортдик.

Музрофиддин ИСМАТОВ, Тошкент шаҳридаги 67-умумтаълим мактаби директорининг маънавий-матрифей ишлар бўйича ўринбосари:

— Ўқитувчининг меҳнати ҳамма вақт ҳам муносиб кадр топмагани сир эмас. Бу ҳолат ўз навбатида иш унумдорлигига, таълим сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатган даврлар бўлган. Ўқитувчи ўз устида ишлаш, изланиш ва асосий вазифаси — билим бериш ўрнига турли жамоат ишлари ва ортиқча юклар билан банд бўлиб қолган пайтлар кузатилган.

Бундан ташқари, қоғозбозликнинг кўплиги, иш ҳақининг пастлиги ҳам соҳадаги муаммолардан бири бўлиб келган.

Бугун эса вазият мутлақо бошқача. Ўқитувчининг меҳнатига эътибор ва қадр тикланди. Ўз навбатида ўқитувчининг ишга бўлган муносабати ҳам ўзгармоқда.

Дарҳақиқат, давр шуни тақозо қилмоқдаки, ўқитувчи нафақат фанини ўргатиши, балки ҳар бир болага шахс сифатида ёндашиши, унинг ютуғини ҳам, камчилигини ҳам ота-она билан алоҳида, ўзаро ҳурмат ва маданият асосида муҳокама қилиши лозим. Интернет материаллари, блогерларнинг чиқишлари ва жамоатчилик фикрини кузатсак, кўпинча бир-бирини айблаш оҳанглирига дуч келамиз: устозлар ота-онани масъулиятсизликда, ота-оналар эса мактабни эътиборсизликда айблайди.

Хўш, асл ҳақиқат қаерда? Айбдорни қидириш эмас,



Ўқитувчи, ўқувчи ва ота-она

Учбурчагининг бири заифлашса, тарбия сусаяди

маданиятини шакллантириш, ёшларга ахборотни тўғри таҳлил қилиш кўникмаларини ўргатиш лозим. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқот эса ҳурмат, сабр ва масъулият асосида бўлиши керак.

Ўқувчи мактаб қоидаларига риоя қилиши, ўқитувчига ҳурмат билан муносабатда бўлиши шарт. Бугунги кунда кўплаб ўқувчилар телефон ва интернетдан

унutmаслиги лозим.

Глобал тармоқдаги педагогик кузатувлар шуни кўрсатадики, замон талаби фақат дарс бериш эмас, балки болани биргаликда тарбиялашдир. Агар ота-она уйда мактабни ва ўқитувчини обрўсизлантирса, бола устозини ҳурмат қилмай қўяди. Устоз, ўз навбатида, боланинг камчилигини бутун синф олдида муҳокама қилса, ўқувчи мактабдан совийди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, таълимдаги муваффақиятнинг 70 фоизи оиладаги соғлом муҳит ва мактаб билан тўғри алоқага боғлиқ.

Каромат РАСУЛОВА, Нурафшон шаҳар «Оқила аёллар» ташкilotи раҳбари:

— Ота-она боланинг биринчи тарбиячисидир. Мактаб эса ушбу тарбиянинг давомчиси. Агар оилада тарбия мустаҳкам бўлса, мактабда ҳам интизом яхши бўлади.

Шу билан бирга, ота-оналар мактаб билан ҳамкорлик қилиши жуда муҳим. Боланинг муаммосини тинглаш, ўқитувчи билан мулоқот қилиш орқали кўплаб тушунмовчиликларни осон ҳал қилиш мумкин.

Ота-она масъулиятни фақат мактабга ташлаб қўймайди керак. Боланинг телефонида нималар борлиги, ким билан дўстлашаётгани ва руҳий ҳолати кундалик назоратда бўлиши зарур. Бугун замон ўзгарди, таълим

тизими рақамлашди. «Электрон мактаб» тизимлари орқали баҳоларни кўриб туриш мумкин, аммо бу боланинг ички дунёсини назорат қилишга камлик қилади.

Ўқитувчи — бу фақат билим берувчи эмас, балки инсон қадриятини шакллантирувчи шахсдир. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ишончнинг сусайиши таълим сифатининг пасайишига, тарбия муҳитининг издан чиқишига олиб келади. Шу билан бирга, жамиятда ўқитувчи нуфузига нисбатан салбий муносабат шаклланиши ҳам мумкин.

Нилуфар ҲИДИРОВА, «Ренессанс» хусусий мактаби раҳбари:

— Ўқитувчи, ўқувчи ва ота-она ўртасидаги муаммоларни ҳал қилишнинг энг тўғри йўли — мулоқотдир. Айбаш, баҳс қилиш ёки интернетга чиқариш эмас, балки бир-бирини тинглаш ва тушуниш муҳим аҳамиятга эга.

Мактабларда психологлар ва тарбиявий ишлар бўйича мутахассислар фаолиятини кучайтириш ҳам муаммоларни камайитиришга ёрдам беради. Ижодкор, шоир ва ёзувчиларнинг мактабларда бўлиши, ижодий учрашувлар ўқувчи камолотига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўқитувчи, ўқувчи ва ота-она — таълим-тарбия тизимининг уч муҳим устундир. Улар ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликда иш юритса, таълим-тарбия сифати

ҳам, тарбия ҳам яхшиланади.

Интернет эса жанжал ва тушунмовчилик тарқатиш воситаси эмас, балки билим ва ижобий тажриба алмашиш майдони бўлиши керак. Ҳар бир инсон ўз сўзи ва ҳаракати учун масъул эканини унутмаслиги лозим. «Қарс икки қўлдан чиқади», дейишади.

Таълим тизимидаги ҳар қандай салбий ҳолат жамият келажигига бевосита таъсир кўрсатади.

Акбаршоҳ ТЕШАБОВЕВ, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент:

— Баъзан ижтимоий тармоқларда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги нохуш ҳолатлар муҳокама қилинади. Айримлар бундай вазиятларга оддий ҳол сифатида қарашга уринади. Аслида эса болага қўл кўтариш, уни ҳақорат қилиш ёки руҳий босим ўтказиш ҳар қандай ҳолатда ҳам оқланмайди. Мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини таъминлашга доир 40 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар «Боланинг энг яхши манфаатлари» принципини ҳаётга жорий қилишга қаратилмоқда. Ўзбекистонда болаларга нисбатан зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш бўйича муҳим қадамлар ташланди. Хусусан, 2024 йилнинг 14 ноябрь куни «Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

Қонунчиликка кўра, ҳар бир боланинг шаъни ва қадр-қиммати ҳимоя қилинади. Шунинг учун таълим муассасаларида ўқувчиларга нисбатан жисмоний жазо қўллаш, ҳақорат қилиш ёки қадр-қимматини камситувчи муносабатга йўл қўйилмайди. Қонун ҳар бир боланинг хавфсиз ва соғлом муҳитда таълим олиш ҳуқуқини кафолатлайди. Шу боис тарбия ва интизом масалалари куч ишлатиш билан эмас, қонуний ва педагогик усуллар орқали ҳал этилиши лозим.

Мактаб билим ва тарбия маскани бўлиши керак. Ўқитувчи болага меҳр ва билим билан таъсир ўтказгандагина ҳақиқий натижага эришади. Албатта, бу ўринда ўқувчиларнинг ҳам масъулияти бор. Ўқитувчи меҳнатига ҳурмат билан қараш, дарс жараёнига ҳалақит бермаслик ва мактаб қоидаларига амал қилиш ҳар бир ўқувчининг бурчидир. Шунингдек, ота-оналар ҳам фарзанд тарбияси ва таълимда фаол иштирок этиши лозим.

Муаммоларни бақир-чақир, ҳақорат ёки куч ишлатиш билан эмас, мулоқот ва ҳамкорлик орқали ҳал қилиш мумкин. Зеро, мактаб — ўқитувчи, ўқувчи ва ота-онани бир мақсад йўлида бирлашадиган даргоҳдир. Ана шу ҳамжиҳатлик бўлса, таълим сифати ҳам, тарбия самараси ҳам юксалади.

Қонун ҳам, ҳаёт тажрибаси ҳам бир ҳақиқатни кўрсатади: болага берилган меҳр ва ҳурмат унинг қалбига кўрқувдан кўра чуқурроқ таъсир қилади. Шунинг учун мактабдаги ҳар қандай муносабат ўзаро ҳурмат, масъулият ва қонун устуворлигига асосланishi керак. Зеро, тарбияда танаффус бўлмайди.

Ҳилола ИБРОҲИМОВА, журналист.



ҳамкорлик зарур. Мазкур муаммоларни бартараф этиш учун комплекс ёндашув талаб этилади. Оила, мактаб ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, психологик хизматларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, интернет

фойдаланади. Лекин дарс жараёни руҳсатсиз тасвирга олиб, интернетда тарқатиш жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бу нафақат ўқитувчининг обрўсига, балки бутун таълим муҳитига ҳам таъсир қилади. Шу сабабли ҳар бир ўқувчи ўз ҳаракати учун масъул эканини



TASHKENT CYBERLEX - 2026

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида «Tashkent Cyberlex-2026» халқаро илмий-амалий форуми бўлиб ўтди. «Рақамли даврда қонун устуворлигини таъминлаш: инновациялар, инсон ҳуқуқлари ва хавфсизлик мутаносиблиги» мавзусига бағишланган мазкур форум мамлакатимизда илк бор ташкил этилди.

Бугунги кунда рақамлаштириш, сунъий интеллект, рақамли далиллар, криптоактивлар ва кибержиноятчилик

давлатлар ҳуқуқий сиёсати ҳамда миллий хавфсизлик тизимининг энг долзарб йўналишларидан бирига айланмоқда. Шу нуқтаи назардан, форум мамлакатимизда рақамли давлат қуриш, ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасини модернизациялашга қаратилган сиёсатнинг мантйқий давоми сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Форумнинг ялли мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Нигматилла Йўлдошев, рақамли технологиялар вазири Шерзод Шерматов, Олий суд раиси Бахтиёр Исломов, ички ишлар вазири Азиз Тошпўлатов, Миллий гвардия кўмондони Баҳоидир Тошматов, Олий

Киберхавфсизлик бўйича глобал мулоқот майдони

Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси вакиллари иштирок этиди. Форум ишига Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкilotи, INTERPOL, Германия халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармаси (IRZ), Европа кибертаълим тармоғи (ECTEG) сингари нуфузли халқаро институтлар экспертлари, АҚШ, Германия, Франция, Япония, Корея Республикаси, Хитой, Сингапур, Нидерландия, Австрия, Латвия, Исроил, Вьетнам, Туркия, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Молдова, Озарбайжон ва бошқа давлатлардан суд-ҳуқуқ ҳамда рақамли технологиялар соҳаси мутахассислари жалб қилинди.

«Tashkent Cyberlex-2026» доирасида ташкил этилган сессияларда рақамли ҳуқуқ ва киберхавфсизлик соҳасининг энг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Жумладан, «Юридик фан ва таълимдаги инновациялар: киберҳуқуқ, рақамли криминалистика ва сунъий интеллект» мавзусидаги сессия ҳуқуқий таълимни рақамли трансформация шароитида ривожлантиришга

бағишланган бўлса, «e-Crime: рақамли криминалистиканинг замонавий усуллари ва воситалари» мавзусидаги сессияда кибержиноятларни тергов қилиш, электрон далиллар, рақамли излар ва трансмиллий жиноятларга қарши курашишдаги халқаро ҳамкорлик механизмларига диққат қаратилди. Бундан ташқари, жиноят процесси рақамли трансформацияси, рақамли далиллар ва криптоактивлар бўйича ўтказилган сессиялар ҳам халқаро экспертлар учун ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини берди.

Форум илмий муҳокамалар билан чекланиб қолмай, рақамли даврда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида инновацион ёндашувларни ривожлантириш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда киберхавфсизлик ва рақамли ҳуқуқ соҳасида янги ташаббусларни илгари суришга хизмат қилувчи глобал платформа сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ.

АКЦИЯ

36 НАФАР ЮРТДОШИМИЗ СОҒЛИҒИНИ ТИКЛАЙДИГАН БЎЛДИ



Мамлакатимизда халқ саломатлигини асраш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бу, борада айниқса, кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, кекса авлод вакиллари қўллаб-қувватлаб келинаётгани қувонарли. Бундай эзгу ишларнинг чекка ва бориш қийин бўлган манзилларда амалга оширилаётгани янада таҳсинга сазовор.

Сариосиё – қадим Сурхон воҳасининг ана шундай ҳудудларидан бири ҳисобланади. Вилоят марказидан 180-200 километр олдига жойлашган манзилда 240 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда.

Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили муносабати билан Ўзбекистон ХДП Сариосиё туман кенгаши, тиббиёт бирлашмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида "Афросиёб" маҳалласида чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилди.

– Мазкур маҳаллада 5 минг нафардан ортиқ аҳоли умргузаронлик қилмоқда, – дейди **Ўзбекистон ХДП Сариосиё туман кенгаши раиси Имомберди Икромов**. – 1 минг 600 га яқин хўжалик бор. Юртдошларимизнинг 300 нафардан зиёди электротимиз вакиллари ҳисобланади. "Саломатлик акцияси" доирасидаги тадбирда Ижтимоий реестрга киритилган меҳнат фахрийлари, ногиронлар, беморлар ва боқувчисини йўқотганлар тажрибали шифокорлар томонидан

текширувлардан ўтказилди. Уларнинг 28 нафарига амбулатор шароитда даволаниш тавсия қилинган бўлса, 8 нафарига соғлиғини тиклаши учун туман ҳамда вилоят тиббиёт муассасаларига йўлланма берилди. Инсон манфаати ва ижтимоий ҳимоя устувор вазифа этиб белгиланган юртимизда инсон саломатлигига ғамхўрлик қилиш ҳукуватимизнинг доимий назоратида. Буни жанубий вилоят ҳисобланган Сурхон воҳасидаги даволаш-профилактика муассасалари фаолиятидаги ижобий ўзгаришлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳудуд аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда истиқомат қилиши инobatга олинган ҳолда олис манзилларда 45 та тиббиёт муассасаси ва 237 та маҳалла тиббиёт пункти ташкил қилинган. Қарийб 130 га яқин оилавий поликлиникага жаҳон талабларига жавоб берадиган тиббий асбоб-ускуналар олиб келинган таҳсинга сазовор. Шу билан бир қаторда маҳаллий шароитда юрак-қон томир, нефрология, нейрохирургия, онкология ва бошқа касалликлар бўйича жарроҳлик амалиётлари ўтказилаётгани янада қувонарли.

– Ҳозирги кунда 82 ёшдаман, – дейди "Афросиёб" маҳалласида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Уроқ Мирзоқулов. – Қон босими кўтарилиши безовта қилиб туради. Бугунги текширувлардан кўпчилик хурсанд бўлди. Тажрибали мутахассислар ўз маслаҳатларини беришди. Узоғимизни яқин қилган фидойи ва ташаббускор инсонларга раҳмат.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

АНЖУМАН

"АГРОБАНК" РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛИБ ЭСКРОУ ХИЗМАТИ МОБИЛЬ ПЛАТФОРМАСИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙДИ



Мамлакатимизда молия-банк тизимини модернизация қилиш, рақамли хизматлар қўламини кенгайтириш ва аҳоли ҳамда бизнес субъектлари учун қўлай рақамли муҳит яратиш устувор вазифалардан бирига айланган. Шу мақсадда "Агробанк" АТБ томонидан замонавий технологияларга асосланган кенг қамровли трансформация жараёнлари изчил амалга ошириб келинмоқда.

Миллий матбуот марказида "Агробанк" АТБ томонидан ўтказилган матбуот анжуманида шу ҳақида сўз борди. Унда банк хизматлари бозорини кенгайтиришга қаратилган стратегик вазифалар бўйича батафсил маълумот берилди. "Агробанк" АТБ республикамизда биринчи марта эскроу хизматини мобил платформа орқали йўлга қўйгани алоҳида таъкидланди. Мазкур хизмат молиявий операцияларда хавфсизлик ва ишончлиликни таъминлашда муҳим экани қайд этилди.

Шу билан бирга, банкнинг стратегик ривожланиш дастури доирасида ишлаб чиқилган "Agrozamin Super App" рақамли экотизими ҳақида тўхталиб ўтилди. Ушбу янги авлод

рақамли платформаси молиявий хизматлар, нобанк хизматлари, савдо платформалари ҳамда сунъий интеллект технологияларини бирлаштирган бўлиб, у кичик ва ўрта бизнес вакиллари, корпоратив мижозлар, фермер хўжаликлари ҳамда агросаноат субъектлари учун комплекс хизматларни тақдим этади.

– Келгусида айна платформа орқали тадбиркорлар учун бизнесни онлайн рўйхатдан ўтказиш, электрон хужжат алмашинуви, бухгалтерия ва юридик хизматлар, логистика ечимлари ҳамда CRM тизимларидан фойдаланиш имкониятлари ҳам яратилади, – дейди "Агробанк" АТБ бошқарув раиси ўринбосари Жамшид Турдиев. – Бу эса бизнес жараёнларини янада соддалаштириб, ягона рақамли муҳитда комплекс хизматлардан фойдаланиш имконини беради. Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, банкнинг B2B сегментидаги улушини ошириш бўйича аниқ мақсадлар белгиланган. Ҳозирда мазкур кўрсаткич 9 фоизни ташкил этаётган бўлса, йил якунига қадар уни 15 фоиздан юқори даражага етказиш режалаштирилган.

Анжуманда "Агробанк" АТБ ташаббуси билан ташкил



этилган Рақамли иқтисодиёт ва агротехнологиялар университети фаолияти ҳақида ҳам ахборот берилди. Жумладан, UDEA Coventry University билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурларини йўлга қўйгани, талабалар Ўзбекистонда таҳсил олган ҳолда Британия университети дипломини қўлга киритиш имкониятига эга бўлиши, мазкур университетда иқтидорли талабаларни грант асосида қўллаб-қувватлаш тизими жорий қилингани таъкидланди.

Бир сўз билан айтганда, "Агробанк" АТБ томонидан амалга оширилаётган рақамли трансформация жараёнлари банк хизматларини янги босқичга олиб чиқиш, молиявий хизматлар сифатини ошириш ва уларнинг тезкор ҳамда шаффоф бўлишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ташаббуслар орқали инсон капиталини ривожлантириш ҳамда ёшлар учун янги имкониятлар яратиш мақсад қилинган. Анжуманда "Агробанк" АТБ келгусида янги лойиҳалар ва стратегик дастурлар орқали рақамли иқтисодиёт ривожига муносиб ҳисса қўшишни давом эттириши маълум қилинди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

СПОРТ

ФУТБОЛ:

ЯКУНИЙ ТАРКИБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон футбол ассоциацияси миллий терма жамоанинг жаҳон чемпионатида иштирок этувчи 26 нафар футболчидан иборат таркибини эълон қилди.



Миллий терма жамоамизнинг таркиби қуйидагича.

Дарвозабонлар: Ўткир Юсупов, Абдувоҳид Нейматов, Ботирали Эргашев.

Ҳимоячилар: Абдуқодир Ҳусанов, Ҳожиакбар Алижонов, Фаррух Сайфиев, Рустам Ашурматов, Умар Эшмуродов, Шерзод Насруллаев, Абдулла Абдуллаев, Авазбек Улмасалиев, Жаҳонгир Ҳусанов, Бехруз Каримов.

Ярим ҳимоячилар: Акмал Мозговой, Отабек Шукуров, Жамшид Искандеров, Одил Ҳамробеков, Жалолдин Машарипов, Остон Ҳунов, Достонбек Ҳамдамов, Азиз Ғаниев, Аббосбек Файзуллаев, Шерзод Эсанов.

Ҳужумчилар: Элдор Шомуродов, Игор Сергеев, Азизбек Омонов.

Миллий терма жамоа ЖЧдаги дастлабки учрашувини 18 июнь кунини Тошкент вақти билан соат 8:00 да Мехикода Колумбияга қарши ўтказди.

ШАХМАТ:

ЎЗБЕКИСТОН ШАХМАТЧИЛАРИ ДУНЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ТОП-5 ТАЛИГИДА

Халқаро

шахмат федерацияси томонидан эълон қилинган 2026 йил июнь ойи рейтингига Ўзбекистон шахматчилари муносиб ўринларни қўлга киритди.

Яъни, янгиланган ФИДЕ рейтингига Жаҳоҳир Синдоров ва Нодирбек Абдусатторов дунёнинг энг кучли 5 нафар шахматчилари қаторидан жой олган.

Маълумот учун, май ойида Синдоров ва Абдусатторов ТОП-100 таликнинг 4- ва 5-поғоналарига кўтарилганди.

Бундан ташқари, ФИДЕнинг кучлилар рейтингига Нодирбек Ёқуббоев, Рустам Қосимжонов ва Шамсиддин Воҳидов каби мамлакатимиз шахматчиларининг номлари ҳам келтириб ўтилган.

Шунингдек, ФИДЕ аёллар ТОП-100 лик рўйхатидан Афруза Ҳамдамова ва Гулруҳбегим Тоҳиржонова, ёшлар рейтингига Мухиддин Мадаминов, Муҳаммадзоҳид Суяров, Ҳумоюн Бекмуратов, ёш қизлар рейтингига Умида Омонова, Гулдона Каримова, Нилуфархон Имомқўзиёва, Мадинабону Халилова ўрин эгаллагани ўзбек шахмат мактабининг йилдан-йилга нуфузи ортиб бораётганидан далолатдир.

ЭРКИН КУРАШ:

ВАКИЛЛАРИМИЗ 6 ТА МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Вьетнамнинг Да Нанг шаҳрида ўтаётган U17 Осиё чемпионатида эркин кураш бўйича баҳслар якунланди. Мусобақанинг сўнгги кунда Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлишди.

Хусусан,

терма жамоамиз сафида Фаррух Маҳмудов (48 кг) ва Бекзодбек Иброҳимов (60 кг) ўз вазн тоифаларида чемпионлик

шоҳусупасига кўтарилиб, олтин медалга сазовор бўлишди. Муҳаммад Раҳимжонов (45 кг) ҳамда Амирбек Фазлиддинов (92 кг) финалгача етиб бориб, кумуш медал билан тақдирланган бўлса, Шохиддин Алиев (65 кг) ва Бехруз Аширов (110 кг) бронза медалларини қўлга киритди.

Маълумот учун, мазкур чемпионатнинг юнон-рум кураши баҳсларида терма жамоамиз аъзолари 1 та олтин, 3 та кумуш ва 4 та бронза, аёллар курашида эса вакилларимиз 1 дона кумуш ва 3 та бронза медалга эга чиққан эди.

Интернет материаллари асосида Тоштемир МУРОД тайёрлади.

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

O'zbekiston Ovozi

ТАНРИР НАҲ'АТИ:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toشتهмир XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 637. 4002 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 19:45

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.